



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 1 февраль, № 22 (5189)

Сешанба

МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



ХОРАЗМ. "Урганч гўшт" масъулияти чекланган жамиятида гўштни консервалашга мўлжалланган янги технологик линия ишга туширилди.

Истиқболли лойиҳа

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 300 миллион сўм сарфланди. Қўшимча 15 та янги иш ўрни яратилган корхонада йилига 400 тонна гўштни қайта ишлаш имконияти юзага келди. Сифати хорижникидан қолишмайдиغان ушбу маҳсулот ички бозорда тезда ўз харидорини топмоқда.

Урганч туманида ўтган йили 17 миллиард 607 миллион сўмликдан ортиқ халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилгани, айниқса, диққатга сазовордир.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АНДИЖОН. Олтинқул туманидаги хонадонларга хорижда ишлаб чиқарилган "Энергия 9 СТК-1" русумли замонавий электр ҳисоблагичлар ўрнатилди.

Тўлов тизимида

янгилик

Мазкур қурилманинг турдошларидан афзаллиги шундаки, у тармоққа уланганидан сўнг мижозга махсус пластик картонча бериллади. Шундан сўнг тўловлар ҳисоблагич хотирасига киритилади. Ҳисоблагич айни бир пайтда терминал вазифини ҳам бажаради. Маблағ тугаши билан ҳисоблагич тармоқдан узилиб қолади. Натижанда электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари-га барҳам бериллади.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚАШҚАДАРЁ. Китоб туманидаги "Мажидов Хайрулла Сағдиллаевич" корхонасида қурилиш хом ашёси — тош қукуни ишлаб чиқаришга мўлжалланган, қиймати 90 миллион сўмлик лойиҳа амалга оширилди.

Тоғни толқон қиладди

Янги технология ўрнатилиши ҳисобига бу ерда ишлаб чиқариш қуввати беш марта ошиб, 8 та иш ўрни яратилди. Корхона жамоаси ўтган қисқа муддатда буюртмачиларга 500 тоннадан ортиқ қурилиш хом ашёси етказиб берди.

Таъкидлаш жоизки, туманда шу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар сони 12 тага етди.

А. МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САМАРҚАНД шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби янги бинода фаолият бошлади. Бунинг учун бир миллиард 723 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Мусиқа

шинавандаларига совға

Айни пайтда муҳташам қиёфа касб этган ушбу масканда ёшларнинг чуқур билим олишлари учун барча шарт-шароит яратилган.

Яқунланган йилда Самарқанд шаҳридаги яна иккита шундай мактаб мукамал таъмирдан чиқарилиб, ёшлар ихтиёрига берилгани эътиборлидир.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БУХОРО. Тадбиркор Абдурахмон Тўқонов банкротлик оқибатида фаолияти тўхтаб қолган "Афрўз Мармар" корхонаси негизда "Бухоро люкс мармар" корхонасини ташкил этди.

Инвестиция самараси

Бунинг учун "Ипотека-банк"нинг вилоят бўлими томонидан корхонанинг иқтисодий аҳолини соғломлаштириш мақсадида 100 миллион сўмлик инвестиция жалб қилинди. Натижанда 15 та янги иш ўрни юзага келди.

Корхона жамоаси қисқа муддатда дастлабки 23 миллион сўмлик маҳсулотни буюртмачиларга етказиб берди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жойларда 2010 йил якунлари ва 2011 йилда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

СИРДАРЁ. Вилоят ҳокими О. Ашурматов бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, ўтган йили Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар бўйича олиб борилган ишлар натижасида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришилди.

Хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 111,6, халқ истеъмоли товарлари 107,7, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 106,5, пудрат ишлари ҳажми 139,3, чакана савдо айланмаси 119,3 фоизга ўсди. Натижанда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўсиши 110,2 фоизни ташкил этди. Бунда кичик бизнеснинг улуши 77,4 фоизга етди.

Ўтган йил давомида хорижий инвестиция иштирокида 13 та янги корхона очилиши вилоят экспорт салоҳиятининг 144,6 миллион АҚШ долларига етишини таъминлади. Саноат салоҳиятини ошириш мақсадида мавжуд

корхоналарни модернизация қилиш ҳамда янгиликларини ишга тушириш бўйича белгиланган дастурга мувофиқ 61 лойиҳа бажарилди.

Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини янада яхшилаш мақсадида 275 та янги уй-жой, кўп тармоқли болалар

Сарҳисоб

шифохонаси, перинатал, қон қуйиш, скрининг марказлари, 2 та мусиқа мактаби фойдаланишга топширилди. Яратилган 38199 та иш ўрни-нинг 79,7 фоизи қишлоқларда ташкил этилгани, айниқса, эътиборлидир.

Йиғилишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар жиддий танқид қилинди. Мавжуд имкониятларга қарамасдан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича ўсиш кўрсаткичлари айрим туманларда пасайиб кетгани, жумладан, Ширин шаҳри, Сайхунбод ва Ховос туманларида бу борадаги ишларни янада жадаллаш-

тириш кераклиги айтиб ўтилди.

Тадбирда мазкур камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилиб, 2011 йилдаги устувор вазифалар белгилаб олинди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф. Ибрагимов иштирок этди.

АНДИЖОН. Вилоят ҳокими А. Усмонов бошқарган йиғилишда қайд этилганидек, 2010 йилда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган манзилли дастурлар доирасида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқлар инфраструктураларини янада

(Давоми 2-бетда).

ЭЪТИБОР, ИМКОНИЯТ, ИНТИЛИШ

корхоналар экспорт салоҳиятининг юксалишида муҳим омил бўлмоқда



Бозор талабларига тезкорлик билан мослашишда кичик бизнеснинг имкониятлари бекиёс. Масалан, кичик корхоналарга ўрнатилган ихчам технологиялар маҳсулот турини мунтазам янгиллаб бориш, пировардида нафақат ички, балки ташқи бозор эҳтиёжидан келиб чиқиб, иш юритишда ўзига хос афзалликларга эга.

миллион 334,8 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот етказиб беришди. Агар бу натижа ўтган йил бошида қабул қилинган режага таққосланса, у 467 фоизга адо этилгани аён бўлади. Ана шундай ўсиш суръатлари заманимиз саховати бўлган қуруқ мева ва сабзавотларни қайта ишлашга ихтисослаштирилган кичик корхоналарда ҳам кузатилади. Улар қаторида Янгиқўрғондаги "Турона-розкспо" масъулияти чекланган жамияти ҳам бор.

— 15 минг АҚШ доллари ва 49 миллион сўмлик инвестиция ҳисобига Германия ҳамда Швейцариядан келтирилган мева қуритиш технологиясини ўрнатдик, — дейди МЧЖ раҳбари Раҳмонжон Тожибоев. — Хориж билан ҳамкорлик бизга икки томонлама наф келтирди. Иш бошланган пайтдаёқ германиялик шериклар билан элик минг АҚШ долларига тенг дастлабки шартномани имзоладик. Шунга асосланиб, 22 тонна мевани қайта ишлаш учун қабул қилгандик. Қисқа вақт ичида 15 минг АҚШ долларлик маҳсулотни хорижлик ҳамкорга етказиб бердик.

(Давоми 2-бетда).

2010 йилда Наманган вилояти иқтисодий кўрсаткичларида экспорт соҳасида ўсишга эришилгани ҳамда унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши 55 фоиздан ортгани бунинг яққол тасдиғидир.

Эътиборли жиҳати, вилоятда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг аксарияти ўз истиқболларини ташқи бозордаги фаол иштироки билан боғламоқдалар.

Бунинг ижобий натижалари, энг аввало, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардорлиги ортиб, экспорт амалиётлари миқдори 150 миллион АҚШ долларига етгани ҳамда бу соҳада 2009 йилдагига нисбатан 1,7 баравар ўсишга эришилганлигида кузатилади. Қувонарлиси, бундан уч-тўрт йил илгари экспортчи корхоналар

рўйхатидан фақатгина йирик корхоналар ўрин олган бўлса, эндиликда улар қаторига хусусий сектор, жумладан, олис қишлоқларда фаолият бошлаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳам дадиллик билан қўшилмоқда. Маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш ҳисобига тайёрлаган маҳсулотини хорижга чиқараётган

Ислоҳот

бундай корхоналар мамлакат валюта жамғармасини мустаҳкамлаш баробарида, ўзларининг молиявий имкониятларини ҳам кенгайтириб боришяпти. Жумладан, Тўрақўрғон туманининг Шаҳанд қишлоғида фаолият кўрсатаётган "Investtex IB" масъулияти чекланган жамияти пахта таласидан тайёрланган қалава ипни ташқи бозорга чиқармоқда. Қишлоқ йиғирувчилари 2010 йилда хорижий буюртмачиларга 2

Тажирибадан маълумки, "шарбат" сувига қонган экин мўл ҳосил тўплаш баробарида, обиҳаётни тежаш имконини беради. Нега деганда, у сувни буғланишдан сақлайди. Экиннинг озиқ моддаларга бўлган талабини қондириб, ривожини тезлаштиради.

Мўл ҳосил пойдевори

Маҳаллий ўғитни қерағича жамғариш учун ишчи кучимиз етарли. 54 нафар ишчи ва мавжуд техникалар шу ишга жалб қилинган.

Биз бу жараёнда нафақат қишлоғимиздаги чорва молларининг нури-си, балки ўн йиллардан буён сақланиб ётган арк-зовурларнинг чириндиға тўйинган лойқасидан ҳам фойдаланаямиз.

Қўриниб турибдики, қиш чиласида ҳам ишларимиз тигиз. Ишни тўғри ташкил қилганимиз боис уларнинг ҳаммасига улғураямиз. Масалан, ички хўжалик ариқлари тўлиқ тозаланиб, галлазорлардан гўзапопарлар чиқариб ташланди ва экин икки марта сўғорилди. Натижамиз?

Гулам ҲАЙИТМЕТОВ,
Гурлан туманидаги «Ҳайитметот» фермер хўжалиги раҳбари.

Грециянинг Салоники шаҳрида "Ислом Каримов" VII халқаро турнири бўлиб ўтди. Унда дунёнинг йигирма мамлакатидан келган юз нафардан зиёд полвон голиблик учун бел олишди.

ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ГРЕЦИЯДА БЕЛЛАШДИ

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан халқаро майдонга чиққан ўзбек кураши бугун дунё бўйлаб жадал ривожланмоқда. Дунё полвонлари кураш бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатларида, минтақавий ўйинлар ва нуфузли халқаро турнирларда голиблик учун куч синашмоқда.

Кураш халқаро асоциясида маълум қилишларича, Олимпия ўйинлари ватанида бўлиб ўтган "Ислом Каримов" VII халқаро турнирида энг кескин ва муросасиз беллашув тўқсон килограммга бўлган вазн тоифасида финал учрашувида икки таниқли полвонимиз — икки қарра жаҳон чемпиони Шерали Жўраев ва истеъдодли курашчи Зафар Бўриев ўрта-сида бўлиб ўтди. Чиройли усул қўллаб, рақибини мағлубиятга уратган Шерали шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Зафар полвон кумуш медаль билан қийоғланди. Учинчи ўрин грузиялик Гиоргий Ладзегга насиб қилди.

(Давоми 2-бетда).

ЕР ҲАМ, ЭКИН ҲАМ МЕҲРДАН ЯШНАЙДИ

Мамлакатимизда деҳқончилик учун бир оз ноқулай об-ҳаво кузатилаётган бу йилги шароитда фермерларнинг ернинг табиий намлигини сақлашга хизмат қиладиган чора-тадбирларни изчил қўллаш ва сувдан оқилона фойдаланиш тақозо этилади.

Бундай пайтда экин майдонларига ортиқча куч ва сарф-харажат талаб қилинмайдиган маҳаллий ўғит солиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу усул қўлланилганда, нам узок сақланиб, галланинг сувга бўлган талаби камаяди.

Ушбу тажириба, айниқса, хоразмлик деҳқонларга қўл келад

ди. Шу боис фермер хўжалигининг 32 гектар майдонида парваришланаётган галла майдонларини шундай озиқлантириш пайидан бўлиноқда. Бунинг учун ҳар гектар экинзорга 10-12 тоннадан маҳаллий ўғит чиқарилгани айни муддао бўлди.

Мавсумда бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини ҳам маҳал-

лий ўғит билан тўйдирish мақсадида унинг захирасини яратиш ишларини жадал давом эттираямиз. Махсус ҳандақлар қовлашиб, уларда 550 тонна маҳаллий ўғит компост қилиб қўйилди. Уни экинларга сўғориш чоғида "шарбат" қилиб оқизамиз.

Бугун мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, соғлом авлод — соғлом миллат, соғлом келажак деганидир.

КЕЛАЖАК АВЛОДНИ ЗАРАРЛИ ОДАТЛАРДАН АСРАШ

янги қонун лойиҳасининг пировард мақсадидир

Бироқ ҳозирги глобаллашув даврида дунё аҳолиси орасида ичкилик, кашандалик ва гиёҳвандлик каби миллат генофонди, инсон саломатлигига, насл-насабига ўта салбий таъсир этувчи иллатлар — зарарли одадлар тобора илдиэ отиб бораётгани ачинарлидир. Мисол учун, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилати (ЖССТ) таҳлилларида одамнинг нобуд бўлиши билан боғлиқ ҳолатларнинг ўртдан бири бевосита спиртли ичимликларни истеъмол қилиш оқибатида юзага келаётгани аниқланган. Ачинарлиси, мастлик оқибатида ҳаётдан кўз юмаётганлар орасида ёш ўғил-қизлар салмоғи бирмунча кўпдир. Шу боисдан ҳам ушбу ташкилот бугунги кунда алкоголь (спиртли) ичимликларни психотроп моддалар рўйхатида киритган. Негаки, бу иллат кўпгина оғир касалликларни келтириб чиқариши баробарида, она ҳомилисида турли нуқсонларнинг шаклланишига ҳамда туғма ногирон болаларнинг туғилишига сабаб бўлиши исботланган. Тиббиёт илмининг сўлтони Абу Али ибн Сино шароб (спиртли ичимлик) захарнинг бир тури, дея бежизга таърифламаган эди.

Айни чоғда инсон соғлигининг ёмонлашувида яна бир одад — кашандалик ҳам долзарб муаммолардан бири эканлигини айтиш жоиз. Чунки бу салбий одад, охир оқибатда одамларда оғир хасталикларнинг юзага келишига сабаб бўлаётди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг расмий маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда Ер юзидида 1,3 миллиарддан ортиқ киши тамаки истеъмол қилар экан. Бу уларнинг соғлигига жиддий таъсир кўрсатаётгани олимлар томонидан исботланган. Хусусан, кашандаликка руку қўйиш инсоннинг жисмон ва руҳий физиологияси жихатдан тобелигига олиб келади. Шу боисдан бу иллат бугунги кунда гиёҳвандликнинг энг оғир шаклларида бири, деб тан олинган. Мазкур ташкилот томонидан аниқланишича, ҳар 6,5 дақиқада бир нафар инсон тамаки чекиш билан боғлиқ касаллик туғайли дунёдан кўз юммоқда. Тиббиёт вақиллари ўпка саратони касаллигига қалинганларнинг 99 фоизи кашандалар эканлигини ташвиш билан қайд этишмоқда.

Бундай маълумотлар, табиийки, ўзини қадрлайдиган, келажак авлод ҳақида қайғурадиган ҳар бир кишини мулоҳазасиз чорлаши турган гап. Шу сабабли халқаро микёсда чекишга қарши кураш, турли акциялар ўтказиш то-

Парламент ҳаёти

микёсда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётди. Бунда, айниқса, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланилаётди. Ушбу муаммоларнинг салбий оқибатларини олдиндан бартараф этиш, ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш учун тамаки ва спиртли ичимликлар истеъмолини хукукий жиҳатдан тартибга солишнинг заруратга айланаётганини таъкидлаш лозим. Зотан, Президентимиз раҳнамоллигида олиб борилаётган сиёсатнинг асосий мақсади соғлом, мамлакатимиз келажакни, тақдирини ўз қўлига дадил оладиган, мустақил, илм-фан ютуқларидан бемалол фойдаланадиган, буюк аждодларимизга муносиб, ҳеч қимдан кам бўлмаган, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом авлодни шакллантиришдир.

Шу маънода айтганда, 2010 йилнинг 30 декабрь кунли Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинган "Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқалиши ва истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг аҳамияти бекуёсдир. Ушбу ҳужжат Президентимиз ташаббуси билан ишлатиб чиқилган "Баркамол авлод йили" Давлат

Мухтасар айтганда, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмолни билан боғлиқ касалликларнинг, қолаверса, туғма ва оғир ногиронликнинг кайишишга хукукий замин яратиб, келажак авлоднинг соғлом ва баркамол бўлишига хизмат қилади.

Зухра БОТИРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мەхнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари.

ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ГРЕЦИЯДА БЕЛЛАШДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мазкур турнирда илк мартаба хотин-қизлар ўртасида ҳам беллашувлар ташкил этилди. Унда 63 килограмм вазн тоифасидаги бахсларда барча рақибаларидан устун келган ҳамюртимиз Уғилу Нуралиева Ўзбекистон терма жамоаси ҳисоби-

га яна бир олтин медални қўшди. Болгариялик Марина Волчева иккинчи, Украина вақиласи Елена Ризак учинчи ўринни эгаллади. Халқаро турнирнинг мутлақ вазн тоифасидаги финал баҳсида ўзбекистонлик жаҳон чемпиони Давлат Чориев ва грециялик Василиос Илиадис ўзаро куч синашди.

Байрам АЙТМУРDOV,
ЎЗА мухбири.

Қизикарли ўтган беллашувда ўзбек кураши усулларини пухта ўзлаштирган Василиос Илиадиснинг қўли банд келди. Давлат Чориевга кумуш медал ҳасиб қилди. Мезбонларнинг яна бир вақили Ионисис Илиадис бронза медалга эга чиқди.

Байрам АЙТМУРDOV,
ЎЗА мухбири.

Жаҳон тажрибаси шунни кўрсатаётгани, олма, олхўри, нок ва бошқа мевали дарахтларнинг паст бўйли турлари экилган боғларнинг ҳар гектаридан ўртача 450-500 центнердан ҳосил олиш мумкин. Бу — маҳаллий навларнинг ҳосилга нисбатан 3-4 баробар кўп, демакдир. Шу маънода, интенсив (пакана) боғлар ташкил қилиш мавжуд ер майдонларидан унумли фойдаланиш ва мевани қайта ишлаш саноатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратади.

Қашқадарё вилоятида боғлар ҳосилдорлигини ошириш мақсадида 2010 — 2012 йилларда 2400 гектардан ошқ янги боғлар ташкил этиш, шу жумладан, 169 гектар интенсив боғлар барпо қилиш режалаштирилган бўлиб, бунинг учун 20 та ташкилот ва фермер хўжалиқлари томонидан "Ўзмарказимпекс" ва "Ўзинтеримпекс" компаниялари орқали Сербия давлатидан 280 минг туп серхосил мевали (пакана) дарахт кўчати сотиб олинди. Таъкидлаш керакки, ўтган уч йил мобайнида ташкил этилган 4258 гектар боғнинг бир қисми ҳосил бера бошлади. Ушбу боғлар тўлиқ ҳосилга киргач, вилоят бўйича жами 116212 тоннадан ортиқ мева етиштирилади. 2013 йилга бориб эса, 2843 гектар ёш боғ-

лар, шу жумладан, жорий йилда яратиладиган 155 гектарлик интенсив боғлар ҳам ҳосилга қиради. Натижада мева етиштириш ҳажми 39741 тоннага кўпайиб, аҳолининг унга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилади. — Ушбу мақсадга эришиш учун мавжуд боғларда агротехника тадбирларини сифатли ўтказиш бўйича боғ эгаларининг масъулияти ва касбий маҳоратини ошириш юзасидан алоҳида тизим ишлаб чиқилди. — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг мева-сабзавотчилик ва узум-

чилиқни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўлими бошлиғи Ғанишер Ибрагимов. — Бунда, энг аввало, янги боғ учун ажратилган ерларни тайёрлаш, эски боғларни реконструкция қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Янги боғларда маҳаллий иқлим шароитидан келиб чиқиб, олма, олхўри, нок, ўрик ва бодом кўчатларини серхосил навлари экилади. Шу ниятда 1,4 миллион туп, жумладан, интенсив боғлар учун 372 минг туп серхосил мевали дарахт кўчатларини сотиб олиб, экиш ишларини бошлаб юбордик. Бундан ташқари, Шредер номидаги илмий тадқиқот институтининг Қашқадарё филиалидан 100

ЭЪТИБОР, ИМКОНИЯТ, ИНТИЛИШ

корхоналар экспорт салоҳиятининг юксалишида муҳим омил бўлмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Наманган туманидаги "Тошбулоқ-текс" масъулияти чекланган жамиятида пахта толаси қайта ишланиб, калава ип сифатида экспортга чиқарилмоқда. Инвесторлар бу ерда ишлаб чиқаришни барқарор йўлга қўйиш учун 2,8 миллион АҚШ долларига тенг сармоя киритишди. Айни чоғда маҳаллий ёшлардан 70 нафари замонавий йиғирув дастгоҳларини моҳирона бошқариб, жаҳон бозорида талаб юқори бўлган калава ип тайёрлашапти. Уларнинг россиялик саноатчиларга жўнатилган маҳсулоти ҳисобига кейинги уч ойнинг ўзида корхонага 571,8 минг АҚШ доллари миқдорига валюта келиб тушди. Қувонarli томони, илгари Наманганга импорт қилинган товарларнинг аксарияти эндиликда шу ернинг ўзида ишлаб чиқарилапти, ҳатто экспортга жўнатилмоқда. Мисол учун, вилоят бозорларида бундан икки-уч йил аввал Туркиядан келтирилган костюм-шимларни маъкули кўришарди. Наманган шаҳридаги "Люкс Плюс сервис", "Замин Туркистон" сингари корхоналарда сифат борасида ушбу маҳсулотлар билан бемалол рақобатлаша оладиган кийимлар тайёрлаш йўлга қўйилган

эса, наманганлик чеварлар кўлидан чиққан костюм-шимларни ташки бозорда ҳам суйиб харид қилишапти. Буни, масалан, ҳар икки корхона томонидан ўтган йили 100 минг

таси вилоят худудий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Аҳмадали Аҳмедов. — Уларга ишончли хорижий шериклар топиш, тайёрлаган маҳсулотлари рекламасини ташкил

Ўтган йилнинг октябр ойида Россиядаги "Полина" болалар трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонаси вакилларининг вилоятимиздаги "Муҳаммадий текстиль", "Виватекс" корхоналари билан олиб борган музокаралари ҳам ўзаро ҳамкорликнинг амалий натижалари билан якунланди.

Турган гапки, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилда халқаро олоқаларни йўлга қўйиш борасида бундай юмушлар кўлами янада кенгайди. Чунки ўз иқтисоди ва гайратини юрт равнақи, эл фаровонлигига бағишланган ишбилармонларнинг аксарияти фаолиятда экспортнинг аҳамияти катта эканлигини қурроқ ҳис этмоқда. Мамлакатимизда соҳа ривожини янги босқичга кўтариш юзасидан белгилаётган чора-тадбирлар, шарт-шароит ва имкониятлар уларнинг истиқболли режаларига қанот бағишлаши, шубҳасиз.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: Наманган туманидаги "Тошбулоқтекс" масъулияти чекланган жамияти фаолиятдан лавқалар.

Ҳасан ПАЙDOEV
олган суратлар.



АҚШ доллари тенг кийим-кечак экспорт қилингани яққол кўрсатади. — Хориж бозорига чиқишни кўзлаган тадбиркорларнинг аксарияти бизга мурожаат қилишади, чунки экспорт амалиёти бўйича истиқболли лойиҳалар ишлаб чиққан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатишни йўлга қўйганмиз, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат пала-

тирилик мақсадида тез-тез ярмарка ва кўргазмалар уюштирилмоқда. Масалан, вилоятдаги тўқимачилик корхоналари билан ҳамкорлик ўрнатилиш мақсадида келган мексикалик ишбилармон доиралар вакилларини "Хайн текс", "Поп фен", "Чошгоҳ" сингари корхоналарга олиб бордик. Ташриф давомида мазкур корхоналар маҳсулотларини экспортга йўналтиришга келишиб олинди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

яхшилаш борасида кенг кўламли ишлаш амалга оширилди. Натижада иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлашга теъмоли қилиш ва тамаки чекишни чеклашга оид қоидалар Япония, АҚШ, Исландия, Миср, Норвегия каби бир қатор давлатлар қончилигида белгиланганлигининг гувоҳи бўлди. Шунинг учун бизда ҳам алкоголь ва тамаки маҳсулотларини 20 ёшга тўлмаган шахсларга сотишни тақиқлаш ҳамда ушбу маҳсулотлар истеъмолини ёшлар учун чегаралашни хукукий жиҳатдан мустаҳкамлаш чоралари қўриляпти. Қонун лойиҳасида иш жойлари, тиббиёт муассасалари, кинотеатрлар, театрлар, цирклар, концерт ва кўргазма заллари, спорт иншоотлари, музейлар, давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билнолариди, таълим ва тарбия муассасаларида, болалар ва ёшлар дам олиш жойларида, жамоат транспортларида ҳамда бошқа жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни тақиқлаш белгиланган.

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

пуллик хизмат кўрсатишда — 113,3 фоизга ўсди.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадвал ривожлантиришга катта эътибор қаратилгани боис бундай субъектлар сони 33894 тага етди. Айниқса, якунланган йилда мазкур тармоқнинг ялпи худудий маҳсулотдаги улуши 54,7 фоизни ташкил этгани қувонарлидир.

Ийгиликда, шунингдек, вилоятдаги айрим тармоқ корхоналар, шаҳар ва туман ҳокимликлари фаолияти жиддий танқид қилинди. Хусусан, Андижон шаҳридаги "Улматекс", Избоскан туманидаги "Ўзбек Анд Спиннинг" кўша корхоналарида экспортроп маҳсулотлар ишлаб чиқариш кескин камайиб кетган. Андижон шаҳридаги "Ёлчин қоя", "Андор ЛТД", "Гамма — Утенсили", Асака туманидаги "Интер Альфа Строй" сингари қатор корхоналар фаолияти ҳам қониқарсиз эканлиги ачинарлидир.

Мавжуд камчилик ҳамда нуқсонларни бартараф этиш, муаммоларга ечим топиш ва уларни ижобий ҳал қилиш бирлар белгилаб олинди. Фаоллар йиғилишида

нинг шу йил 21 январда бўлиб ўтган Вазирил Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросига бағишланди.

Ийгиликда вилоятда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари таъминланаётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, ўтган йили ялпи худудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 5,8 фоизга кўпайди. Шунингдек, ўсиш суръатлари халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда 10,7, қишлоқ хўжалигида 6,5, қурилишда 34, чакана савдо айланмасида 18,7 фоизга ўсди.

Бундай барқарор иқтисодий ўсишга эришишда, биринчи навбатда, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлаш, маҳаллийлаштириш кенгайтириш, истеъмол товарлари тайёрлаш ҳажмини босқичма-босқич ошириб бориш муҳим аҳамият касб этди.

Вилоят иқтисодиётининг инвестиция жозибадорлигини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бу борадаги дастур ижроси доирасида 120 миллиард сўм миқдорига сармоя ўзлаштирилиб, 24 та лойиҳа амалга

оширилди. Ўтган йили вилоятдаги корхоналар томонидан хорижлик маҳсулотларга 451 миллион АҚШ долларилик маҳсулот етказиб берилди.

Ийгиликда, шу билан бир қаторда, вилоят тармоқ ва корхоналари йўл қўйилаётган камчилик ҳамда нуқсонлар ҳам рўй-рост айтиб ўтилди. Саноат маҳсулотла-

ри ишлаб чиқариш кўрсаткичи Фарғона шаҳри ва Учкўприк туманида белгиланган мўлжалга етмади. Капитал қўйилмаларни ўзлаштириш Кўштепа, Фурқат, Риштон, Қува, Сўх туманларида суст олиб борилган. Тадбирда мазкур муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилиб, 2011 йил учун устувор вазифалар белгилаб олинди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов иштирок этди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҳокими Р. Холматов бошқарган фаоллар йиғилишида қайд этилганидек, Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастурларининг изчил бажарилиши натижасида худуд иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди. Хусусан, бултур ялпи худудий маҳсулот ҳажмининг 10,1 фоиз ўсишига эришилган бўлса, бу кўрсаткич қишлоқ хўжалигида 6,2, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 9,2, чакана сав-

Қисқа сатрларда

● Данғара туманидаги "Зилол" фермер хўжалиги раҳбари Муроджон Мамадалиев сый-ҳаракати билан сутни қайта ишлайдиган янги технология линия ишга туширилди. Ҳозир бу ерда кунига бир тонна сут қайта ишланиб, аҳоли дастурхонига 10 турдаги маҳсулот етказиб берилмоқда.

● Қорақалпоғистон Республикаси Вазирил Кенгашида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантиришга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор ишбилармонларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига қаратилди.

● Булоқбоши туманида фаолият юритаётган "Бахт гулшодаси" корхонаси раҳбари Оминахон Жўраева Тошкеник қишлоғидаги бўш ётган бинони таъмирлаб, тикувчилик цехига айлантирди. 20 киши иш билан таъминланган ушбу корхонада дастлабки 15 миллион сўмлик бежирим кийимлар тайёрланиб, ички бозорга чиқарилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2011 йил 1 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобоватлари юритиши, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмага нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1640,52
1 Англия фунт стерлинги	2623,48
1 Дания кронаси	301,91
1 БАА дирҳами	450,39
1 АҚШ доллари	1654,25
1 Миср фунти	282,54
1 Исландия кронаси	14,23
1 Канада доллари	1653,59
1 Хитой юани	251,01
1 Малайзия ринггити	541,14
1 Польша злотийси	569,53
1 СДР	2587,74
1 Туркия лираси	1023,54
1 Швейцария франки	1756,48
1 евро	2276,08
10 Жанубий Корея вони	14,74
10 Япуния иенаси	201,66
1 Россия рубли	55,76
1 Украина гривнаси	208,61

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

СЕРҲОСИЛ БОҒЛАР

заминимиз кўрқига кўрк қўшади, дастурхонимиз файзу баракасини таъминлайди

минг туп, аҳоли ва деҳқон хўжалиқларидан 450 минг туп, Самарқанд ва Фарғона вилоятларидан 378 минг туп мевали дарахт кўчатлари келтирилди. Айни чоғда мева-сабзавот уруғчилигини ривожлантириш, маҳсулот етиштирувчиларни сифатли уруғлик билан таъминлаш масаласи ҳам диққат-эътиборда турибди. Янги боғлар яратишда вилоятнинг 53 та йирик саноат корхонаси фаол иштирок этаётгани, айниқса, диққатга сазовордир. Масалан, "Шўртан

газ-кимё" мажмуаси, "Муборакнефтгаз" акциядорлик компанияси, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Толлимаржон ИЭС, "Пахтаасаноат" бирлашмаси ва "Ўзмарказимпекс"

тириш, маҳсулотни совуткичларда сифатли сақлаш масалалари ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Жумладан, жорий йилда Шаҳрисабз, Китоб ва Яқкабоғ туманларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар томонидан 9 минг тоннадан ортиқ сифимдаги совуткичли омборхоналарни қуриш, вилоят бўйича эса 24 минг тонна маҳсулот сақланадиган махсус омборхоналар барпо қилиш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу каби сый-ҳаракатлар вилоят боғдорчилиги янада ривожланишидан далолат беради. Зеро, қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғига жаҳоннинг илғор тажрибасини қўллашнинг самарадорлиги ошишига, аҳоли ва қайта ишловчиларнинг мева-сабзавот ҳамда полиз маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондиришга хизмат қилади.

А. МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Истиклол йилларида мамлакатимизда улғувор ишларни амалга оширишга қодир янги авлод етишмоқда. "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳам бу хайрли ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётир. Марказ ёрдами билан ҳар йили ўтказиладиган турли лойиҳалар, жумладан, "Биз — бир жамоамиз!", "Келажак овози" республика танлови давомида нафақат йирик шаҳарлар, балки мамлакатимизнинг энг чек-

Лойиҳа доирасида ёш тадбиркорлар учун ҳар уч ойда ўқув мактаблари ташкил этилаётир. Жорий йилдаги қишки мактабда қатнашиш учун ўтказилган танловда икки юз нафардан ортиқ йигит-қиздан ўттиз нафар энг иқтидорлиси танлаб олинди. Бир ҳафта давом этган ўқув машғулоти жараёнида тингловчилар учун иқтисодчи олимлар, молия соҳасининг етакчи мутахассислари, экспертлар иштирокида тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш, бизнес психологияси, профессионал малака ва кўникмани ривож-

ФАРЗАНДЛАР ТАРБИЯСИ — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ

Ҳар бир ота-она фарзандининг яхши таълим-тарбия олишини, ҳаётда ўз ўрнини топишини хошлайди. Лекин бундай ниятлар шунчаки кўнгил иши билан рўёбга чиқарилмайди. Қаерда давлат миқёсида эътибор ва шароит бўлсагина, эзгулик уруғи қуртак ёзиши осон.

Шу жиҳатдан қараганда, истиқлолнинг беқиёс имкониятларидан баҳра олиб, ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиб улғаяётган Ўзбекистон фарзандларига ҳар қанча ҳавас қилса, арзийди.

Юртбошимиз ўз чиқишларида, албатта, таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратадилар, ёшлар ҳақида фикр билдирганда, "менинг фарзандларим, таянчим ва суюнчим" дея мурожаат қиладилар. Бундай беқиёс гамхўрлик эртаимиз эгаларининг замон талаблари даражасида билим олиши, интеллектуал жиҳатдан етук кадрлар бўлиб етишишлари учун яратиб берилмаётган шарт-шароитларда ўз

ифодасини топмоқда. Бунда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда қатор манзилли давлат дастурлари муҳим аҳамият касб этаётир.

Маълумки, жуда кўп давлатларда таълим олиш қиммат ва одамлар бунинг учун оила бюджетидан катта миқдорда пул сарфлашларига тўғри келади. Лекин беш қўл баробар эмас, деганларидек, кимнингдир бунга қурби етади, кимнингдир эса йўқ. Натижанда ушбу жиҳат ўз-ўзидан саводхонлик даражасининг тушиб кетишига олиб келади. Масалан, интернет манбаларида келтирилишича, дунё бўйича умумий саводхонлик дара-

жаси 30-40 фоизни ташкил этаркан. Атиги 30 га яқин мамлакатда бу кўрсаткич 90 фоиздан ортиқ экан. Биз учун аҳамиятлиси, Ўзбекистонда аҳолининг саводхонлик кўрсаткичи қарийб 100 фоизга тенг. Бу, албатта, ҳар биримизга чексиз гуруҳ бағишлайди.

Бизда мажбурий таълим босқичи бепул қилиб белгиланган. Шаҳару қишлоқларга кўрк бажурда турган мухташам таълим муассасалари давлатимиз бюджетидан ажратилган катта маблағлар ҳисобига қад ростлаган.

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, айниқса, уларни иш билан таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилиш бўйича ҳам кенг қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлар амалга ошириляётир. Бу уринда Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркор-

лик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонини келтириб ўтиш жоиз. Унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай имкониятлар яратиш бўйича қатор имтиёзлар назарда тутилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бу ишлар юқори босқичга кўтарилиши, шубҳасиз.

Таълим тизимида қўлга киритилмаётган ютуқлар ҳақида жуда кўп гапириш, рақамларни исталганча келтириш мумкин. Муҳими, бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг аҳамияти, моҳиятини одамларимиз қалбдан ҳис қилишида. Мустиқиллигимизни мустаҳкамлаш, муносиб келажак яратиш йўлида яқдиллик билан ҳаракат қилишга тўғри келган бунинг ёрқин ифодасидир. Биз ҳам ана шу ишларга муносиб ҳисса қўлишни зиммамиздаги энг муқаддас бурч, деб биламиз.

Э. ҚОСИМОВ,
Ўқитувчи,
Қўқон шаҳри

Кўргазма

Голландиянинг Гронинген шаҳрида ташкил этилган "Номаълум Шарқ" деб номланган кўргазмада Қорақалпоқ давлат санъат музейига тегишли картиналар ҳам намойиш этилмоқда.

Хусусан, А. Николаевнинг "Кувёв бола", О. Татевос-яннинг "Қишлоқ", А. Исоуповнинг "Шарқ кафеси" асарлари ушбу тадбирга ташриф буюрганларда катта таассурот қолдирапти.

Таъкидлаш кераки, жорий йилнинг май ойига қадар давом этадиган мазкур кўргазмада Англия, АҚШ, Россия, Озарбойжон, Арманистон каби ўнлаб давлатлар музейлари ўзлариди сара экспонатлар билан иштирок этмоқда.

Х. АҲМЕДОВ,
"Халқ сўзи"
мухбири.

ЁШ ТАДБИРКОРЛАР ФОРУМИ

ка қишлоқларида яшайдиган юзлаб йигит-қизлар олдида ижод қилиш, санъат, илмфан ва ўз қобилиятини рўёбга чиқаришга ёрдам берадиган бошқа фаолият соҳалари билан шуғулланиш учун кенг имкониятлар яратилди. Марказ томонидан уч йилдан бери ташкил этиб келинаётган "Ёш тадбиркорлар мактаби" эса тадбиркорлик соҳасига қадам қўйиш истагидаги иқтидорли йигит-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

— Мазкур форумнинг мақсади ҳам айнан шу мезонларга асосланган, — дейди "Келажак овози" ЕТМ "Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш дастури" лойиҳаси координатори Бекзод Иминов. — Жумладан, ёшларга ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга кўмак бериш, йигит-қизларнинг бизнес соҳасидаги саводхонлигини янада оширишда малакали мутахассислар билан яқин ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, шу пайтгача "Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш дастури" лойиҳасида 130 нафар йигит-қиз қатнашди. Бугунги кунга келиб уларнинг 32 фоизи ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди, 14 фоизи эса бизнес-мураббий мақомига эга бўлди. Бундан ташқари, лойиҳада иштирок этган ёшларнинг 19 фоизи юртимиздаги етакчи компанияларда фаолият олиб бормоқда, яна 11 фоиз ёш тадбиркор ўз ишини бошлаш арафасида турибди.

лантириш, бизнес-режани амалиётга татбиқ этиш бўйича назарий ва амалий машғулотлар олиб борилди.

— Утган йили ёш тадбиркорлар мактабиде иштирок этиб, ўз бизнес-лойиҳамни йўлга қўйдим, — дейди Тошкент кимё технология институту талабаси Турсуноўжа Юнусхўжаев. — Бир миллион сўмлик грант эвазига хусусий корхонамни очдим. Ҳозир мураббий сифатида тенгдошларимга бизнесни йўлга қўйиш борасида сабоқ бераман.

Айтиш жоизки, ўтган йилнинг ноябрь ойида ушбу лойиҳанинг 10 нафар битирувчиси умумий ҳисобда 10 миллион сўмлик грантларни қўлга киритди. Уч нафар голиб эса Туркияда малака ошириб қайтди. Шунингдек, дастур доирасида ўз ишини эндигина бошлаётган ёш тадбиркорлар ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатиш, уларнинг малакаларини мунтазам равишда ошириб бориш мақсадида "Бизнес-клуб" ташкил этилди.

Форум давомида тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоялаш ва бизнесни суғурталаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда "Ёш тадбиркорлар мактаби" битирувчиларига грантлар топширилди.

Ёш тадбиркорлар форумида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов иштирок этди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.



Замонавий спорт мажмуаси

Навбахор туманининг "Бешрабат" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидеги спорт мажмуаси кенг қўллами таъмирлаш ишларидан сўнг бутунлай янги қиёфа касб этди.

Ҳомийлар ёрдами билан ушбу масканда ёшларнинг волейбол, баскетбол майдончалари, кураш, теннис, бокс ва бошқа спорт турлари билан шуғулланишлари учун махсус заллар барпо этилди.

Шу мақсадда "Навоий сув қурилиш" очик акциядорлик жамияти қурувчилари томонидан 760 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ОБ-ҲАВО

(1 февраль)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёғингарчилик бўлади. Кечаси 1-6 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик бўлиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 3-8 даража илқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолӣ қисмида эса кечаси 1-6 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, баъзи туманларда ёғингарчилик кузатилади. Ҳарорат тунда 3-8 даража илқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ёмғир ёғади. Кечаси 3-8 даража илқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

Анджон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғиши кутилмоқда. Тунда 0-5 даража, кундузи 10-15 даража илқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 4-6 даража, кундузи эса 16-18 даража илқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

«ИПОТЕКА-БАНК» АТБ

«Ипотека-Банк» АТБнинг «Ипотека» бўлими 2011 йил 27 январь

Қўллаб-қувватлаш мақсадида қўйилган қўлланма

№	Қўллаб-қувватлаш (сўм)	Қўллаб-қувватлаш (сўм)	Тўлов (сўм/кун)	Мўҳлат (кун)	Қўллаб-қувватлаш (сўм)
1	1000000	1000000	100000	12	1000000
2	1500000	1500000	150000	12	1500000
3	2000000	2000000	200000	12	2000000
4	2500000	2500000	250000	12	2500000
5	3000000	3000000	300000	12	3000000
6	3500000	3500000	350000	12	3500000
7	4000000	4000000	400000	12	4000000
8	4500000	4500000	450000	12	4500000
9	5000000	5000000	500000	12	5000000
10	5500000	5500000	550000	12	5500000
11	6000000	6000000	600000	12	6000000
12	6500000	6500000	650000	12	6500000
13	7000000	7000000	700000	12	7000000
14	7500000	7500000	750000	12	7500000
15	8000000	8000000	800000	12	8000000
16	8500000	8500000	850000	12	8500000
17	9000000	9000000	900000	12	9000000
18	9500000	9500000	950000	12	9500000
19	10000000	10000000	1000000	12	10000000
20	10500000	10500000	1050000	12	10500000
21	11000000	11000000	1100000	12	11000000
22	11500000	11500000	1150000	12	11500000
23	12000000	12000000	1200000	12	12000000
24	12500000	12500000	1250000	12	12500000
25	13000000	13000000	1300000	12	13000000
26	13500000	13500000	1350000	12	13500000
27	14000000	14000000	1400000	12	14000000
28	14500000	14500000	1450000	12	14500000
29	15000000	15000000	1500000	12	15000000
30	15500000	15500000	1550000	12	15500000
31	16000000	16000000	1600000	12	16000000
32	16500000	16500000	1650000	12	16500000
33	17000000	17000000	1700000	12	17000000
34	17500000	17500000	1750000	12	17500000
35	18000000	18000000	1800000	12	18000000
36	18500000	18500000	1850000	12	18500000
37	19000000	19000000	1900000	12	19000000
38	19500000	19500000	1950000	12	19500000
39	20000000	20000000	2000000	12	20000000
40	20500000	20500000	2050000	12	20500000
41	21000000	21000000	2100000	12	21000000
42	21500000	21500000	2150000	12	21500000
43	22000000	22000000	2200000	12	22000000
44	22500000	22500000	2250000	12	22500000
45	23000000	23000000	2300000	12	23000000
46	23500000	23500000	2350000	12	23500000
47	24000000	24000000	2400000	12	24000000
48	24500000	24500000	2450000	12	24500000
49	25000000	25000000	2500000	12	25000000
50	25500000	25500000	2550000	12	25500000
51	26000000	26000000	2600000	12	26000000
52	26500000	26500000	2650000	12	26500000
53	27000000	27000000	2700000	12	27000000
54	27500000	27500000	2750000	12	27500000
55	28000000	28000000	2800000	12	28000000
56	28500000	28500000	2850000	12	28500000
57	29000000	29000000	2900000	12	29000000
58	29500000	29500000	2950000	12	29500000
59	30000000	30000000	3000000	12	30000000
60	30500000	30500000	3050000	12	30500000
61	31000000	31000000	3100000	12	31000000
62	31500000	31500000	3150000	12	31500000
63	32000000	32000000	3200000	12	32000000
64	32500000	32500000	3250000	12	32500000
65	33000000	33000000	3300000	12	33000000
66	33500000	33500000	3350000	12	33500000
67	34000000	34000000	3400000	12	34000000
68	34500000	34500000	3450000	12	34500000
69	35000000	35000000	3500000	12	35000000
70	35500000	35500000	3550000	12	35500000
71	36000000	36000000	3600000	12	36000000
72	36500000	36500000	3650000	12	36500000
73	37000000	37000000	3700000	12	37000000
74	37500000	37500000	3750000	12	37500000
75	38000000	38000000	3800000	12	38000000
76	38500000	38500000	3850000	12	38500000
77	39000000	39000000	3900000	12	39000000
78	39500000	39500000	3950000	12	39500000
79	40000000	40000000	4000000	12	40000000
80	40500000	40500000	4050000	12	40500000
81	41000000	41000000	4100000	12	41000000
82	41500000	41500000	4150000	12	41500000
83	42000000	42000000	4200000	12	42000000
84	42500000	42500000	4250000	12	42500000
85	43000000	43000000	4300000	12	43000000
86	43500000	43500000	4350000	12	43500000
87	44000000	44000000	4400000	12	44000000
88	44500000	44500000	4450000	12	44500000
89	45000000	45000000	4500000	12	45000000
90	45500000	45500000	4550000	12	45500000
91	46000000	46000000	4600000	12	46000000
92	46500000	46500000	4650000	12	46500000
93	47000000	47000000	4700000	12	47000000
94	47500000	47500000	4750000	12	47500000
95	48000000	48000000	4800000	12	48000000
96	48500000	48500000	4850000	12	48500000
97	49000000	49000000	4900000	12	4